

## **Нукусда қишлоқ хўжалигига инновацион ёндашувлар муҳокама қилинди**

2019 йилнинг 23 ноябрда Нукусда “Оролбўйи минтақасини табиий офатларга дучор бўлган ҳудуддан инновациялар ва барқарор ривожланиш ҳудудига (қишлоқ хўжалиги сектори) ўзгартириш йўлида” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Учрашув Қорақалпоғистоннинг қурғоқчил туманларида жойлашган фермер ва деҳқончилик хўжалиқларини иқлимга бардошлигини таъминлашга йўналтирилган БМТ Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг кўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг маълумотларига кўра, 20-асрнинг бошидан бери Марказий Осиёда ҳаво ўртача 1-2 даражага исинининг умумий ҳолатлари кузатилмоқда, бу эса ҳарорат режимига, ёғингарчилик давомийлиги важадаллигига, ҳамда табиий экотизимлар ҳолатига, одамлар ва ҳайвонлар саломатлигига сезиларли даражада таъсир ўтказиши мумкин. Шундай қилиб, иқлим ўзгариши минтақада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши салоҳияти учун жиддий таҳдид солади.

Иқлим ўзгаришига қарши курашдаги илғор технологиялар, қурғоқчиликни олдиндан огоҳлантириш воситалари ва фермерларга маслаҳатлар орқали ёрдам Оролбўйидек иқлим ўзгариши оқибатларига жуда ҳам мойил бўлган ҳудудларда Барқарор ривожланиш мақсадларини жорий қилиш соҳасидаги кун тартибини амалга ошириш учун янги ва ишончли имкониятни яратмоқда. Бугунги кунда ҳукумат, ривожланиш бўйича халқаро агентликлар ва хорижий илмий-тадқиқот институтларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари қишлоқ хўжалиги ва деҳқончиликда одат бўлиб қолган анъанавий ёндашувларни фикрлашнинг инновацион моделларига ўзгартиришга қодир бўлган энг самарали ечимларни излаб топишга йўналтирилгандир.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, ҳукуматнинг табиий офатларга энг дучор бўлган Оролбўйида инновациялар ва технологиялар зонасини яратиш бўйича ташаббуси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш ва гендер тенглиги каби соҳалардаги мажмуавий вазифаларни бажаришга йўналтирилган ва, шунингдек, у мана шундай ечимларни амалга ошириш учун жуда ҳам яхши имконият ҳисобланади. Маърузачилар кўтарган муҳим масалалар орасидан агро ва сув ресурсларига иқлим ўзгаришини таъсири ҳам ўрин олди. Шу ерни ўзида Қорақалпоғистонда қурғоқчилик ва ерлар деградациясининг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган амалга ошириш мумкин бўлган ёндашувлар ҳам кўриб чиқилди. Мутахассисларни қайд этишича, Амударёнинг қуйи оқими учун қурғоқчиликни олдиндан огоҳлантириш тизимларини ривожлантириш бу йўналишдаги энг самарали воситалардан бири ҳисобланади БМТТД билан биргаликдаги лойиҳа доирасида қурғоқчиликни олдиндан огоҳлантириш тизими Амударёнинг қуйи оқими шароитларига мослаштирилди. Мазкур тизим суғориш даврида 3-6 ойлик барвақт огоҳлантириш

орқали қурғоқчилик ва камсувликни башорат қилиш имконини беради. Барвақт огоҳлантириш ҳар ойда олиб турилади, огоҳлантириш 70дан 100 фоизгача аниқликда.

Лойиҳа вакиллари агро ва сув тежамкор амалиётлар ҳамда деградацияга учраган табиий яйловларни тиклаш бўйича чора-тадбирлар натижаларини тақдим этдилар. Масалан, 2018 ва 2019 йилларда лойиҳанинг Қорақалпоғистондаги бешта намунали туманида кооператив шаклида 10та яйлов ҳамжамиятлари ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу ҳамжамиятлар 47830 нафар қишлоқ аҳолисини бирлаштирган, улар деградацияга учраган ерларни тиклаш ва янгиларини яратиш бўйича ишларни амалга оширмоқдалар. Ташаббусни қўллаб-қувватлаган намунали туманларнинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан яйлов кооперативларига 25-30 йиллик муддатга 34960 гектар ер ажратиб берилди.

Давра суҳбати иштирокчиларига Орол денгизининг қуриган тубини 21200 гектарида бажарилган ўрмон мелиоратив ишларнинг натижалари ҳам тақдим этилди. БМТТД ва Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўртасида 2018 йилда имзоланган ўзароҳамжихатлик ҳақидаги Баённома доирасида 13600 гектар ҳудудда саксовулни экиш, 7600 гектар ерда қумни ушлаб турадиган эгатларни тайёрлаш амалга оширилди ва 160 гектар ер майдонида чўл ва қурғоқчиликка бардош ўсимликлар кўчатхоналарини қуриш бўйича ишлар бажарилди, бу эса 35000 гектар ерга кўчатларни ўтқазилни таъминлайди. Ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2019-2028 йиллар мобайнида биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Стратегиясини амалга ошириш доирасидаги йирик қўламли ўрмон мелиоратив ишларнинг натижалари ҳам кўриб чиқилди.

FAO, ICARDA, ICBA каби ташкилотлар, академик институтлар вакиллари Оролбўйида иқлимга бардошли қишлоқ хўжалигини юритишга инновацион ёндашувлар ҳақидаги ахборот билан ўртоқлашдилар.

Учрашув якунида тизимли ёндашув асосида Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш миллий дастурларига Барқарор ривожланиш мақсадларини интеграциялаш бўйича БМТТДнингташаббуси эълон қилинди. Иштирокчилар мазкур ёндашувни ҳудудда амалга оширилаётган дастурлардан олинган тажриба асосида маҳаллий ҳамжамиятлар даражасида қўллаш имкониятларини муҳокама қилдилар.

БМТТДнинг Ўзбекистонга кўмаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган мақсадларга эришишга йўналтирилган: булар-барқарор иқтисодий ривожланиш, самарали давлат бошқаруви, иқлим ўзгаришига мослашиш ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида ислохотларни жадаллаштириш.

*(Маълумот БМТТД/Ўзгидромет/Мослашиш жамғармасининг «Ўзбекистоннинг қурғоқчил ҳудудларида жойлашган фермер ва деҳқон хўжалиқларининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш» қўшма лойиҳаси томонидан тақдим этилди)*

## **Инновационные подходы к сельскому хозяйству обсудили в Нукусе**

**23 ноября 2019 года в Нукусе состоялся Круглый стол по теме «На пути к переходу региона Приаралья из зоны, подверженной стихийным бедствиям, в зону инноваций и устойчивого развития (сектор сельского хозяйства)».**

Встречу организовали в рамках совместного проекта Программы развития ООН и Центра гидрометеорологической службы Республики Узбекистан, направленной на обеспечение климатической устойчивости фермерских и дехканских хозяйств, расположенных в засушливых районах Каракалпакстана.

По данным **Межправительственной группы экспертов по изменению климата (МГЭИК)** с начала XX века в Центральной Азии наблюдается общая тенденция потепления в среднем на 1-2°C, что будет значительно влиять на температурный режим, режим и интенсивность выпадения осадков, а также состояние природных экосистем, здоровье людей и животных. Таким образом, изменение климата представляет собой серьезную угрозу для потенциала сельскохозяйственного производства в регионе.

Передовые технологии в борьбе с изменением климата, инструменты раннего предупреждения засухи и консультационная поддержка фермерам создают новую и надежную возможность для реализации повестки дня в области внедрения Целей устойчивого развития в наиболее уязвимых к последствиям климатических изменений регионах, которым является Приаралье. Сегодня совместные усилия правительства, международных агентств по развитию и зарубежных НИИ направлены на поиск наиболее эффективных решений, способных изменить привычное использование традиционных подходов в сельском хозяйстве и земледелии к инновационной модели мышления.

Как было отмечено в ходе Круглого стола, инициатива правительства по созданию зоны инноваций и технологий в Приаралье – регионе, наиболее подверженном стихийным бедствиям, призванная решить комплекс задач, в таких сферах как социально-экономическое развитие, изменение климата и окружающая среда, здравоохранение и гендерное равенство, является также отличной возможностью для пилотирования таких решений. Среди ключевых вопросов докладчиков влияние изменения климата на агро и водные ресурсы. Тут же были рассмотрены возможные подходы к смягчению негативных последствий, таких как засуха и деградация земель в Каракалпакстане. Одним из наиболее эффективных инструментов в этом направлении, как подчеркнули специалисты, является развитие системы раннего предупреждения засухи для нижнего течения Амударьи. В рамках проекта с ПРООН система раннего предупреждения засухи, адаптирована

к условиям нижнего течения Амударьи. Данная система позволяет прогнозировать засуху и маловодье на вегетационный период с заблаговременностью в 3 -6 месяцев. Ранние предупреждения доступны ежемесячно, с достоверностью предупреждений от 70 до 100%.

Представители проекта представили результаты пилотирования агро и водосберегающих практик и мер по восстановлению естественных деградированных пастбищ. Так в 2018 и 2019 годах были созданы 10 пастбищных сообществ с кооперативным принципом управления в 5 пилотных районах проекта в Каракалпакстане. Сегодня эти сообщества объединяют 47 830 сельских жителей, которые осуществляют работы по восстановлению деградированных пастбищ и созданию новых. В поддержку инициативе местными органами власти пилотных районов пастбищным кооперативам выделены 34 960 га территорий сроком на 25-30 лет.

Внимание участников Круглого стола были представлены и результаты лесомелиоративных работ, выполненных на осушенном дне Аральского моря с общим охватом в 21 200 га. В рамках Меморандума о взаимопонимании, подписанного в 2018 году между ПРООН и Государственным комитетом Республики Узбекистан по лесному хозяйству, на территории 13600 га осуществлена посадка саксаула, нарезка песконакопительных борозд на площади 7600 гаи проведены работы по закладке питомников пустынных и засухоустойчивых растений на площади 160 га., а также результаты крупномасштабных лесомелиоративных работ выполненных в рамках реализации **Стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы.**

Специалисты таких организаций как FAO, ICARDA, ICBA, академических институтов поделились информацией о инновационных подходах к ведению климатоустойчивого сельского хозяйства в Приаралье.

В завершении встречи была озвучена инициатива ПРООН по интегрированию Целей устойчивого развития в национальные программы развития региона Приаралья на основе системного подхода. Участники обсудили возможности применения данного подхода на уровне местных сообществ на основе опыта, реализуемых в регионе программ.

Содействие ПРООН Узбекистану направлено на достижение общих взаимосвязанных целей: оказание поддержки Правительству в ускорении реформ в области устойчивого экономического развития, эффективного государственного управления, адаптации к изменению климата и охраны окружающей среды.

(Информация предоставлена проектом ПРООН/АФ/Узгидромет  
«Обеспечение климатической устойчивости фермерских и дехканских хозяйств,  
расположенных в засушливых районах Узбекистана»)